



# O'ZBEKISTON OVOZI

2012-yil, 17-yanvar. Seshanba 7 (31.439) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqarib boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

## Муносабат

### ОСОЙИШТА ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Ислам Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригида ўтган 20 йил ичида ҳарбий соҳани ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган асосий ишлар чуқур таҳлил этилди. Бугунги Қуролли Кучларимиз Ватанимиз сарҳадлари, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини муносиб ҳимоя қилишга қодир экани таъкидланди.

Бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Мустақилликнинг илк кунларидан Юртбошимиз ташаббуси билан ҳарбий соҳани ислоҳ этишга жиддий эътибор қаратилди. Соҳага оид қонунчиликни мустаҳкамлашда «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида» каби қонулар, Президентимизнинг соҳага тегишли фармон ва қарорлари муҳим аҳамият касб этди.

Қуролли Кучлар тизимига амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида гап кетганда, Ватан ҳимоячиларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибига муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Қарори билан муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маошлари икки баробарга, хизматдан заҳирага бўшатиладиган бериладиган пул миқдори энг кам иш ҳақининг саккиз баробарига оширилди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига кўра, 2005 йилнинг 1 июлидан Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучларида шартнома асосида хизмат қилаётган оддий аскар, сержант ва офицерларга турар-жой ижара олганлик учун ҳар ойлик компенсация пули белгиланди.

Сўнгги йилларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларга берилаётган имтиёзлар тизими янада такомиллаштирилди. Хусусан, ҳарбий қисм тавсияно-

масига эга бўлган, ҳарбий хизматни намунали ўтаган ёшлар олий ўқув юртрага ўқишга киришда тестда тўпланиши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 25 фоизи миқдорига имтиёзга эга бўлди.

Бугун оиласида ўғил тарбиялаётган ҳар бир ота-она фарзанди ҳарбий хизматга боришини орзу қилади. Чунки улар Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган аскарларнинг жисмоний чинқишини, қандай қулай шарт-шароитда яшаётганини, интеллектуал салоҳияти ошаётганини, улғаяётганини кўриб-билиб турибди. Энг муҳими, ота-она яши билади, ҳарбий хизматдаги фарзанди ўзга ўлкаларни эмас, ўз юртимизни, она Ватанимизни ҳимоя қилади. Бундан ота-оналар ҳар қанча фахрланса арзийди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини турар-жой билан таъминлаш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори асосида барпо этилган замонавий уй-жойлар ҳарбийларга, уларнинг оила аъзоларига кўрсатилаётган гамҳўрликнинг амалий ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўлаган байрам табригида ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига янада кўпроқ эътибор қаратилиши лозимлигини уқтирди. Бу — бежиз эмас, албатта. Чунки оиласидан кўнгли тўқ бўлган, пухта тайёргарликка эга ҳарбий хизматчилар Қуролли Кучларимиз кудратини оширишга, осойишта ҳаётимиз хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлади...

**Комилла КАРОМОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**  
**ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

### Республика байналмилал маданият маркази ташкил топганининг 20 йиллиги олдидан



### БИЗ — БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!

Фарғона вилоятида еттига миллий-маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. Немис миллий-маданий маркази шулар жумласидандир.

Марказда миллий байрам ва маданий тадбирларни юқори савияда ўтказиш учун барча шароит яратилган. «Биз — бир оила фарзандларимиз!» шiori остида фестивал, концерт ва ижодий учрашулар ташкил этиш аъёнага айланган. Бу ерда фаолият

юритаётган немис тилини ўрганиш, вокал, театр, амалий ва тасвирий санъат йўналишидаги тўғаракларда ўнлаб

ёшлар ўз билим ва малакасини оширмоқда. Марказ қошидаги кутубхонада кўплаб нодир адабиётлар жамланган.

**Суратда:** Фарғона вилоятидаги немис миллий-маданий маркази қошидаги тўғарак аъзолари (чапдан): Мария Чижовкина, Артём Яйков ва Лола Мирзаева.

Муҳимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

### ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ МАСЪУЛИЯТИ

Президентимизнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўлаган байрам табригини ўқиб, тинчлигимиз ишончли қўлларда экани, кудратли армиямиз борлигидан фахрландим.

Ўзини Ватан ҳимоячиси ҳисоблаган, бу шарафли вазифанинг масъулиятини юракдан ҳис этган ҳар бир аскар, сержант ҳаётга тийрак боқадди, кучли-қувватли бўлади, керак бўлса, юрт ҳимоя-

си учун жонини ҳам аямайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, Марказий Осиё минтақаси кейинги йилларда йирик давлатларнинг стратегик манфаатлари тўқнашади-

ган ҳудудга айланиб қолди. Бундан ташқари, дунёнинг турли минтақаларида қарама-қаршилиқлар, таҳдид ва хавф-хатар кучайиб бораётгани Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини оширишни талаб этмоқда. Замонавий армиямизнинг куч-қудратини белгиладиган яна бир муҳим омил

борки, ундан асло кўз юмиб бўлмайди. Бу — ҳарбийларнинг юксак маънавияти ҳисобланади. Шу боис ҳам биз маънавиятли, маърифатли, ғурури баланд ёшларни тарбиялашимиз керак. Бу масалада «Истикбол» ёшлар қаноти ўз вазифаларини аниқ белгилаб, тизимли иш бориши керак, деб ўйлайман.

**Дурбек ХУДОЙБЕРГАНОВ,**  
**ЎзХДП «Истикбол» ёшлар қаноти**  
**Тошкент шаҳар бўлими етакчиси.**

«Шу азиз Ватан — бarchамизники», «Ўзбекистон — ягона уйимиз». Президентимиз Ислам Каримов томонидан айтилган бу ҳикматли даъватларнинг маъно-моҳияти бугун халқимизнинг, миллатидан қатъи назар, шу юрда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳаётдан мустақкам ўрин эгаллади, том маънода қалб амрига айланди.

### МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА МАЪНАВИЯТ

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2012 йил — Мустақкам оила йили, деб эълон қилинган ҳам ана шу эзгу мақсаднинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Зеро, тобора глобаллашиб ва мураккаблашиб бораётган бугунги даврда ҳаётнинг ўзи бизга турли миллат, эътиқод ва дин вақиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва

ҳамжиҳатлик ҳукм сурган шароитдагина умумий хонадонимиз бўлган Ватанимиз ва жамиятимиз, ҳар биримизнинг оила-рўзгоримиз, фарзандларимиз келажагини таъминлашга эришиш мумкинлигини кўрсатиб турибди.

(Давоми 3-бетда.)



### ОИЛА ҲАҚИДАГИ ҲИКМАТЛАР

Ота ва онага нисбатан одоб неча хил бўлади, деб сўрасалар, ўн бир хил, деб айт. Биринчидан, керакли даражада уларнинг ҳурматини сақлаш. Иккинчидан, улардан дунё молини аямаслик, уларга қаттиқлик қилмаслик. Учинчидан, қилган яхшиликларни миннат қилмаслик. Тўртинчидан, ота-она юзига тик қарамаслик.

Бешинчидан, агар ота ва она чақирсалар, зудлик билан ҳузурга келиш. Олтинчидан, ота ва она билан мулоқотда юзни тексари бурмаслик. Еттинчидан, агар гуноҳга сабаб бўлмаса, нимаки буорсалар, бажариш. Саккизинчидан, ота-она билан сўхбатда ёки улар ҳузурда бошқалар билан гапирганда овозни кўтармаслик (бақирмаслик). Тўққизинчидан, ота-она ризолигисиз, дуосисиз сафарга чиқмаслик. Учинчидан, ҳар доим ота-она хурсандлигини таъминлаш пайда бўлиш. Ўн биринчидан, ота-онага марҳаматни ибодат деб билиш, яъники, «жаннат оналар оёғи остида» эканини унутмаслик.

Ҳусайн Воиз ҚОШИФИЙ

### Қарор ва ижро



### АРНАСОЙДА ШУНДАЙ МАКТАБ БОР

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ўтган йили Жиззах вилояти Арнасой туманида 5-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси барпо этилди.

150 ўқувчига мўлжалланган кўркам мактаб янги мусиқа ва чолғу асбоблари, компьютер жиҳозлари ва бошқа зарур анжомлар билан тўлиқ таъминланди. Ҳозир бу ерда санъатсевар ўғил-қизлар фортепьяно, миллий ва аъёнавий ижрочилик, тасвирий санъат каби ўндан ошиқ йўна-

лиш бўйича сабоқ олмақда. Шунингдек, бадий гимнастика ва зардўзлик машғулоти ҳам йўлга қўйилган бўлиб, ўқувчи-ёшлар ўз иқтидорини ва салоҳиятини намойиш этиши, бўш пайталарини самарали ўтказиши учун кенг имкониятлар яратилган.

**Суратда:** Жиззах вилояти Арнасой туманидаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Зилола Каримова ўқувчи Азамат Сайдуллаев билан.

Умар РАҲМОНҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

### ЎзХДП: Ҳаракат дастури

### КАСАНАЧИЛИК

янги иш ўринлари яратиш,  
ишлаб чиқаришни кенгайтириш,  
шу орқали оилалар  
даромадини оширишда  
муҳим омилдир



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2012 YIL 17 YANVARDAN BOшлаб ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ							
1 Австралия доллари	1854,29	1 Миср фунти	298,97	1 СДР	2757,89	10 Жанубий Корея вони	15,65
1 Англия фунт стерлинги	2762,40	1 Канада доллари	1764,26	1 Туркия лираси	967,87	10 Япония иенаси	234,84
1 БАА дирҳами	491,29	1 Хитой юани	285,72	1 Швейцария франки	1891,51	1 Россия рубли	57,13
1 АКШ доллари	1804,31	1 Малайзия ринггити	573,34	1 Евро	2301,37	1 Украина гривнаси	225,83

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъжур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



ЎзХДП депутатлари фаолиятдан

# САЙЛОВЧИЛАР ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

депутатларни фаолликка ундайди

«Депутат ўзига сайловчилардан тушган мурожаатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқади, уларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўради, фуқароларни қабул қилади».

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 7-моддасидан.



Қайси даражадаги депутат бўлмасин, унинг зиммасига сайловчилари ишончини оқлашдек муҳим масъулият юклаган. Ўз вазифаси ва бурчини чуқур англаган депутат сидқидилдан ишлайди, сайловчилар мурожаати, электротар муаммоларига масъулият билан қарайди.

Халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгаши депутати Эркин Эргашев ҳам сайловчилар ишончини қозониб келмоқда. У сайланган 22-Чинниобод сайлов округида учта — «Чинниобод», «Жигаристон» ва «8-март» маҳалла фуқаролар йиғини жойлашган. Бу маҳаллаларда депутат изчил учрашувлар ўтказди, олиб борган ишлари тўғрисида сайловчиларига ҳисобот бериб, аҳоли мурожаатларини тинглайди ва уларга ечим топади.

— Бугунги давр депутат зиммасига муҳим вазифалар кўйилмоқда ва табиийки, бу бизни янада фаол бўлишга ундайди, — дейди Эркин Эргашев. — Депутатлик иккинчи бор сайланганим боис етарли тажрибага эгаман. Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғини билан яхши ҳамкорлик ўрнатганман. Улар қандай тадбир ташкил қилса, мени тақдир этишади. Бу эса маҳаллалардаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий аҳволдан янада чуқуროқ хабардор бўлишга ёрдам беради.

**«Ўзбеккўмир» ОАЖнинг депутат раҳбарлик қилаётган «Энергоалоқасозлаш» унитар корхонасида бошлангич партия ташкилоти ҳам фаол ишлайди. 2010 йилда корхона ишчи-ходимларидан 12 нафар, 2011 йилда эса 7 нафари ЎзХДПга аъзо бўлди. Корхонанинг 50 фойиз ишчилари ёшлар. Утган йили 26 нафар коллеж битирувчиси, 2 нафар олий ўқув юрти битирувчиси ишга қабул қилинди.**

— Тегишли ташкилот раҳбарлигига зарурат туғилганда депутат сўрови юборишга алоҳида эътибор бераман, — дейди Эркин Эргашев. — 2010 йилда бундай сўровлар 38 тага етган эди. 2011 йилда эса 21 марта тегишли ташкилот ва идораларга мурожаат қилдим. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилмоқда. Бу эса сайлов округидаги ижтимоий-иқтисодий муаммо ва камчиликларнинг барҳам топишига хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, унинг депутатлик сўровлари ва натижаларига эътиборни қаратадиган бўлсак, бунга ишонч ҳосил қиламиз. «Чинниобод» маҳалласида электр тармоғи симлари эскиргани учун узилтиш холлари юз бера бошлади, бу эса табиийки, аҳолида эътироз турдирди. Ангрен шаҳар электр таъминоти корхонаси номига мурожаатлар эътиборсиз қолиб кетди. Депутат Эркин Эргашев шундан кейин корхонанинг раҳбари номига хат билан чиқди. Раҳбар вазиятга тўғри муносабатда бўлгач, симларнинг узилтиш холлари тўлиғича бартараф этилди.

Шунингдек, «8-март» ва «Чинниобод» маҳаллаларида маиший чиқиндилар учун махсус жой бўлмаган, аҳоли дуч келган жойга чиқинди ташлашга мажбур бўлган. Бу эса экологияга, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатаётганди. Аҳолининг бу борадаги мурожаати бўйича депутат Ангрен шаҳар коммунал фойдаланиш бўлими бошлиғига сўров хати юборди. Хат инobatта оли-

ниб, чиқиндини олиб кетиш учун маҳалла фуқаролар йиғинлари билан шартнома тузилди.

— Мени анчадан бери бир масала ташвишга солиб келарди, — дейди Эркин Эргашев. — Сайлов округидаги 11-мактаб темир йўлга яқин ҳудудда жойлашган. Ўқувчилар дарсга келиши учун 3 та издан иборат темир йўллардан кесиб ўтишади. Улар учун махсус пидедалар ўтиши йўлаги мавжуд эмас, гоҳида темир йўл тагидан ўтган туннель орқали ҳам ҳаракатланишади. Аксига олиб туннель ярқисиз ҳолга келиб қолган. Бу эса ўқувчилар ҳаётига хавф турдирмоқда. Шу боис «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти номига туннелни болаларнинг ҳаракатланиши учун мослаб беришни сўраб, 2011 йилнинг февраль ойида депутатлик сўрови бердим.

Компания раҳбарияти жавобида туннель сув ўтиши учун мўлжалланганлиги, ундан ер ости йўли сифатида фойдаланиб бўлмаслиги ва йўловчилар учун янги ер

ости йўли қуриб бериш катта маблаг талаб этиши айтилган эди. Депутат бу жавобдан қаноатланмай, масала долзарблигини кўрсатиб қайта мурожаат қилгач, муаммага ечим топилди. Темир йўлда пидедалар ўтиши йўли қурилиши вазифаси ўтган йил апрель ойида Тошкент темир йўл масофаси корхонасига топширилди, октябрь ойига келиб, пидедалар ўтиши йўлаги қуриб берилди.

Ушбу мисолларда кўри-ниб турибдики, агар депутат фаол ва қатъиятли бўлса, сайловчилар томонидан кўтарилган муаммолар ижобий ҳал қилинади. Афсуски, ҳамма депутатларимиз ҳам фаол ишлайпти, ўз ваколатидан самарали фойдаланаяпти, деб бўлмайди. Бундай депутатлар одамлар ишончи, иззат-ҳурматини қозона олмайди. Энг ёмони, жамоатчилик ўртасида партия нуфузи пасайишига ҳам сабабчи бўлишади. Буни унутмаслик керак.

**Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,**  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.

Муносабат

Президентимизнинг «Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, муҳофаза ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони ўқиб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Ушбу касбни танлаганимдан фахрландим.

## ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ ШУКУҲИ

Мамлакатимизнинг муҳофаза қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол гоёси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун фахрий унвонлар билан тақдирланганлар орасида Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бир гуруҳ фидойи ва заҳматқаш ходимлари ҳам бор.

Айни пайтда вазирлигимиз тизимида ўз ишига садоқатли, профессионал кутқарувчилар меҳнат қилмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг **Ўзгалар дардига бефарқ одам ҳеч қачон кутқарувчилик бўлмайди. Чунки кутқарувчилик оддий касб эмас. Балки инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун ўзини қурбон қилиш, жасорат кўрсатишга доимо тайёр туриш демакдир**, деб таъкидлаган сўзлари бизни ҳар доим ўз вазифамизни сидқидилдан адо этишга руҳлантириб келмоқда.

Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллик байрами арафасида биз, Вазирликнинг

бир гуруҳ ходимлари «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари 20 йил» эсдалик нишони билан тақдирланди. Бу хушхабар нафақат менга, балки оила аъзоларимга ҳам олам-олам қувонч бахш этди. Айниқса, 72 ёшли онамнинг шодлигини айтмайсизми... «Минг бор шукр, юзимизни ёруғ қилдинг, бундан кейин ҳам жон-жаҳднинг билан меҳнат қил. Билдирилган ишонч ва эътиборни оқла», дея дуо қилди.

Бундан ташқари, яқинда Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизнинг Олмазор туманида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари ва кутқарувчиларга замонавий типда қурилган янги уйлар топширилди.

Бу эса бизни ўз билми ва малака-мизни муттасил ошириб бориш, юрти-миз тинчлиги, халқимиз хотиржамлиги йўлида зиммасиздаги вазифаларни улкан масъулият ва фидойилик билан адо этишга ундайди.

**Майор Комилжон АБДУНАБИЕВ,**  
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги  
матбуот хизмати раҳбари.

## ҲАР БИР ОИЛА

эл назарида

Маҳалламизда 600 та оила бор. 2600 нафардан зиёд фуқаро истиқомат қилади. Гузаримиз обод, файзли-тароватли. Савдо ва маданий-маиший хизмат шохобчалари ишлаб турибди. Яхши қўшничилик, иззат-икром ва ўзаро ёрдам, меҳр-оқибат турмуш тарзимизга айланган.

Кейинги йилларда маҳалламизда замонавий лойиҳа асосида кўплаб янги уй-жойлар қурилди. Йигирма саккизта янги оила таркиб топди. Бир сўз билан айтганда, маҳалламиз тўлақонли кичик ватанга айланмоқда. Маҳалла аҳли ўз ҳудудини обод қилиб, муштарак мақсад йўлида одамларни жипслатишмоқда, азалий анъаналарни ҳаётга таъбиқ этиб, ёшларни катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, халққа ва Ватанга садоқат руҳида тарбияламоқда. Йилимизнинг Мустаҳкам оила йили деб аталиши маҳалла институти зиммасига қатор вазифалар юклади. Чунки оила фаровон, тинч-тотув ва мустаҳкам бўлишида маҳалланинг ўрни ва аҳамияти катта. Маҳалламизда 176 та ёш оила бор, улар доимий эътиборда. Улар ҳаёт синовларидан ўтиб, мустаҳкам оёққа туриб олишига кўмаклашаёмиз.

Янги оилаларга қулайлик ва енгиллик яратишга ҳаракат қилаёмиз. Мисол учун, келинлар либосини маҳалламиз чеварлари тикишади. Томорқаларда рўзғор учун зарур маҳсулотлар етиштирилади. Бу эса дастурхон тўкини-лаб хизмат қилади.

Халқимизда қадимдан «Эл назарига тушди» ва «Эл назаридан қолди» деган эгизак ибора бор. Инсон фидойилиги, эзгу ишлари ва химмат-саховати билан обрў топса, кишиларимиз «Мана, фалончи эл назарига тушди», дейди. Агар, бунинг акси бўлса, «Қаранг, фалончи эл назаридан қолди», дейишади. Мустаҳкам оила йилида биз эл назари

ри масаласига жиддий эътибор қаратиш ниятидамыз. «Бир болага етти маҳалла — ота-она» дегани ҳам шу, аслида. Эл назари — ёмонни таъбиқ этиш дегани эмас, одам бошқалар турганини сезса, хушёр тортади, етти ўлчаб, бир кесади. Айниқса, ёш оилалар оёққа туришида бунинг маърифий аҳамияти катта.

«Халқимизнинг ҳақиқий маънавий бойликлари бўлиши йимон, инсоф, меҳр-оқибат, андиша, ор-ноҳи, катта-га ҳурмат, кичикка иззат, меҳмондўстлик, юртга ва халққа садоқат каби фазилатларни асраб-авайлаб, фарзандларимизнинг қон-қонига сингдирайлик», — дейди Президент Ислам Каримов «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида. Албатта, бу, биринчи навбатда, маҳалланинг иши. Шу мақсадда маҳаллада шоир ва ёзувчилар, олимлар билан учрашувлар, маърифий суҳбатлар ўтказиб бориш ниятидамыз.

Орзу-хавас, касб-хунар, ҳалол меҳнат билан оила бадавлат бўлади. «Ўзбекистон диёрида яшаётган миллионлаб оилалар бадавлат бўлмасдан туриб, давлатимиз бой бўлолмайди — бизнинг шиоримиз шу», дейди Юрбошимиз. Биз ўз тажрибамиз ва бор қучимизни шу эзгу мақсад йўлида касб-фарбар этганмиз.

**Тўлқинжон МАМАСАЙДОВ,**  
Хўжаобод туманидаги  
Шаҳриқон йашир хашарчаси  
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Акс-садо

## БОЛАЛАР КУЛГУСИГА ТЎЛСИН ДУНЁ!

Мен оддий ўқувчи сифатида сиёсий партиялар газеталарини доимо ўқиб бораман. Негаки, мамлакатимиздаги ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислохотлардан, унда сиёсий партиялар иштирокидан хабардор бўлиш ҳар бир киши учун муҳим, деб ўйлайман.

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2011 йил 8 декабрь сонидан чоп этилган «Ҳар гўдакни мўъжиза деб билинг, кутқариши мумкин дунёни!» сарлавҳали мақола диққатимни тортиди. Унда 2010 йилдан бери «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари тахриратининг ҳомийлар билан ҳамкорликда шу шиор остида ўтказиб келаётган акцияси ҳақида баён қилинган.

Тўғриси, бу ташаббусдан беҳад шодландим. Газетанинг акциялари, хайрия тадбирлари маданий-маърифий кечаларга улашиб давом этаётгани ҳар бир жажжи қалбга чексиз қувонч бағишлаётгани табиий, албатта. Шунингдек, газетани тарбияланувчиларнинг самимий ордун-умидларини ўқиб, қаттиқ ҳаяжонландим. Бу дунёда бир нафар кўнгли яримни шод этиш ҳам нақадар хайрли иш эканини англадим.

Албатта, Президентимиз ташаббуси билан юртимизда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун барча ша-

роитлар яратилган. Халқ демократик партияси ҳам бу борада қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, партиянинг кам таъминланган қатламга эътибори, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳаракатлари Меҳрибонлик уйлари ҳам йўналтириляпти. Жорий йилнинг Мустаҳкам оила йили деб аталиши, бу борадаги ишларни янада ривожлантириш партиявий ташаббуслар қучайишига замин яратди, албатта.

Умид қиламанки, янги йилда тахрират ўз хайрли ишларини янада ривожлантиради. Кези келганда, шунингдек, «ЎзХДП, ННТ, мутасадди ташкилотлар, қолаверса, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда Меҳрибонлик уйлари ва қариялар уйларига эътиборни янада қучайтирса, меҳр-муруватга муҳтож кишилар кўнгли осмон қадар кўтарилди.

**Дилмурод ЭРНАЗАРОВ,**  
Тошкент вилояти.

ЎзХДП: Ҳаракат дастури

## КАСАНАЧИЛИК

янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шу орқали оилалар даромадини оширишда муҳим омилдир

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» гоғларини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган партияимизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида Олот туманида касаначиликни ривожлантириш вазифаси белгиланган. Халқ депутатлари Олот туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи касаначилик тармоғини кенгайтириш орқали янги иш ўринлари очиб бўйича изчил мониторинг олиб бормоқда. Унинг хулосалари эса депутатлик гуруҳи йиғилишларида муҳокама қилиниб, амалий тақлифлар ишлаб чиқилмоқда.

**Саидкули ОКИБЕВ,**  
Олот туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, туман ноғиронлар жамияти раиси:

— Натижаларга асосланиб шунини айтиш мумкинки, касаначилик туманда тараққий этиб, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш имконини бермоқда. Айни пайтда иш бевувиларнинг касаначилар меҳнатини қонунийлаштиришдаги хато ва камчиликлари ҳам маълум бўлмоқда. Биз уларга меҳнат дафтраси очиб, ишнинг қонуний ташкил этиш бўйича тегишли тавсиялар бердик. Электротаримиз вакиллари уй меҳнатини йўлга қўйишида ҳуқуқий асослар, бу борадаги имтиёзлар ҳақида бой тушунчага эга бўлиши лозим. Бу — эркин фаолият юритишга йўл очади. Шунинг учун режали асосда шу ҳақда суҳбатлар ўтказаялмиз.

**Ислам РЎЗИЕВ,**  
Олот туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари:  
— Утган йили касаначилик асосида ташкил қилинган иш ўринларининг асосий қисми саноат корхоналари ҳиссасига тўғри келади. Бугунги кунда туманимизда 1250 дан ортиқ корхона ва ташкилот бор. Уларда 1235 киши касаначилик асо-

йилда касб-хунар коллежларини таомиллаган 738 нафар битирувчининг 657 нафари ишга жойлашган бўлса, шундан 35 нафари касаначилик асосида ўз ишини бошлади.

Бандлик дастурига кўра, Олот нефть ва газ қидирув экспедициясида ўтган йилда 15 та касаначилик иш ўринлари яратиш белгиланган эди. Қувонарлиси, режа вақтида бажарилди, айни чоғда бу ерда меҳнат қилаётган касаначилар экспедиция ишига ҳам муносиб улуш қўшапти.

қўлқоп ва кийимлар тикамиз. Буюртмага қараб, маҳсулотлар ўз вақтида етказиб бериляпти. Унумли меҳнат қилишимиз учун қулай шароит яратилган. Асосийси, уй-рўзғор ишларидан узилмаган ҳолда меҳнат қиламиз. Яна бир муҳим жиҳати, ишимиздан кўнглимиз тўқ, маошимиз яхши, бизга меҳнат дарфарчаси очилган. Бундан жуда мамнунмиз.

**Маҳбуба БОЗОРОВА,**  
тикувчи:  
— Утган йилнинг апрелидан бери касаначилик. Касаначилик асосида маҳалламиз аёлларининг кўпчилиги ишли бўлди. Муҳими, бу даромадимиз ошишига, хонадонимиз фаровонлигига ҳисса қўша-япти.

Бугун туманда биргина тикувчилик эмас, балки қурилишбош материаллар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш, темирчилик, хандолатчилик ва шунга ўхшаш соҳаларда ҳам касаначилик кенг қулоч ёймоқда. Жумладан, туман машина-трактор парки неғизда темирчилик ва соловчилик йўналишида яқинда 6 та касаначилик иш ўрни яратилди.

Касаначилик меҳнатининг кенг йўлга қўйилиши ҳудудлардаги ижтимоий ҳимояни кучайтиришга, туман иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшиляпти. ЎзХДП туман кенгаши депутатлик гуруҳи Мустаҳкам оила йилида тегишли идора, ташкилотлар ва корхоналар билан ҳамкорликда касаначиликни янада ривожлантириш чора-тадбирларини кўрмоқда. Касаначилик қанча ривожланса, бундан энг аввало, партияимиз электротари манфаат кўради.

**Лазиза ШЕРОВА,**  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.



сида меҳнат қилаяпти. Шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ўз мутахассисликлари асосида иш билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Жорий

**Бахтинисо ЖУМАЕВА,**  
тикувчи:  
— Тикувчилик чехига меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилиндим. Ишчилар учун махсус

РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ТОПГАНИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА

# МИЛЛАТЛАРАРО ТУТУВЛИК ВА МАЪНАВИЯТ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида чоп этилган ва халқимиз томонидан катта қизиқиш билан кўтиб олинган «Ўзбекистон мустақилликка эришиш осто-насида» китобидан жой олган маъруза ва нутқларда инсон, унинг эҳтиёж ва талаблари, жисмоний ва маънавий юксалиши давлатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг доимий марказида тургани алоҳида таъкидланган. Бундан 20 йил олдинги мураккаб шароитда юртимизнинг истиқболни белгилаб олиш, оғир бир вазиятда кўп миллатли халқимизни тўғри йўлга бошлаш қанчалик мураккаб кечганини юртимизда яшаётган ҳар бир инсон ўзининг бугунги тинч ва осойишта, тўкин ҳаёти билан таққослаганда янада теран англайди. Шу маънода, маънавий соҳасида эришилган энг катта ютуғимиз — халқимизнинг онгу тафаккури бутунлай ўзгариб, янги сифат ва мазмун касб этганидир.

Юртимизда истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб маънавий юксалиш масаласига шу қадар катта ва доимий эътибор қаратиб келинаётир. Мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий тарғибот ишларида аҳолининг кенг қатламлари қамраб олинмоқда. Авваламбор, ёшларда Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик туйғуларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятлар, миллатлараро муносабатларда тотувлик ҳамда бағрикенглик фазилатларининг ҳаётийликдаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари, хусусан, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган «Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир» маърузаси туб моҳияти юртимизда истиқомат қиладиган барча миллатлар ва элатлар вакиллари ўртасида атрофда кенг тушултириб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорида Республика

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Маънавият тарғибот марказининг асосий вазифалари белгилаб берилгани мана шундай кенг кўламли маънавий-маърифий ишларни амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ватанимизга қарши қаратилган ғоявий ва ин-формацион хуружлар, уларнинг ор-тида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, одамларни хушёрлик ва огохликка даъват этиш мақсадида олимлар, сиёсатчи ва мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот тизимини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қарати-лаётир.

Пойтахтимиздан то барча вилоятлар марказлари, чекка туманлар, олис қишлоқ ва овулларда ҳам ташкил этилаётган маънавият тарғиботи тадбирларида мустақиллигимизнинг йиғирма йили мобайнида мамлакатимиздаги барча соҳа ва тар-моқлар бўйича қандай мураккаб та-рихий йўлни босиб ўтиб, бир-биридан улғувор марраларга эришган-нимиз, бугунги кунга ва ёруғ кун-ларга етишда юртимиздаги ҳар бир инсон, ҳар қайси касб эгаси, турли миллат вакиллари, бутун халқимиз бир ёқадан бош чиқариб, ўзининг фидокорона меҳнати билан беқиёс ҳисса қўшгани аниқ мисоллар ор-қили кўрсатиб берилмоқда.

**Зеро, неча минг йиллик тарихимиз шундан гувоҳлик берадики, олижаноблик ва инсонпарварлик, миллатлараро тотувликка интилиш халқимизнинг энг юксак фазилатларидандир. Истиқлол бизга ана шу эзгу анъаналарни изчил давом эттириш ва авлоддан-авлодга янада мукаммал бўлиб ўтишини таъминлаш имконини берди.**

Бугунги кунда олиб борилаётган маънавий тарғибот-ташвиқот жа-раёни замирида юртимиздаги тур-ли миллат, ижтимоий тоифа, касбу корга мансуб кишиларни маънавий таъжовулардан асраш, уларни огох-ликка чорлаш, мавжуд ҳаф ва тах-дидларнинг оқибатларини англаб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш, энг муҳими, миллий ғоя асосида халқни бир-лаштириш, жипслаштириш, ёш ав-лод онги ва қалбида эзгу ғояларга садоқат туйғуларини тарбиялашга қаратилган тизими ва аниқ мақ-садли амалий ҳаракатлар мужас-самдир. Зотан, «миллатлараро то-тувлик» тушунчаси — миллий ғоямизнинг муҳим тамойилидандир. Юртбошимиз «Юксак маъна-вият — енгилмас куч» китобида таъ-кидлаганидек, «миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча одамларни олижаноб ниятларини, ҳаётий ман-фаатларини мужассам этадиган урф-одатларини, Ватан равнақи, халқ фа-ровонлиги деган юксак тушунчалар-

ни ўз ичига олади». Таъкидлаш жоизки, «миллий ғоя» деган ибора Ўзбекистонимизда яшаётган ва шу табарруқ заминни ўз Ватани деб биладиган барча миллат ва элатларга бирдек дахл-дордир. Нега деганда, миллий ғояда мужассам бўлган буюк мақ-садларни рўёбга чиқариш аввалам-бор жамиятимиз ва шу жамият аъзоси бўлиш ҳар қайси инсон-нинг маънавий олами ва дунёқара-шидаги ижобий ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ эканини бугун юрт-дошларимиз яхши билади ҳамда айни шу ижобий ўзгаришлар юрт-дошларимизнинг турли соҳаларда-ги фидокорона бунёдкорлик ва яра-тувчанлик ишларида яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан кўп-кўп миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб кел-ган. Улар ўртасида асрлар давоми-да миллий низолаб бўлмагани халқ-имизнинг азалий бағрикенглиги-ни далолатдир. Миллатлараро му-носабатларда уйғунлик вужудга кел-ган мамлакатларда кўпмиллатлик жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ри-вожланишига самарали таъсир эти-ши аниқ ҳақиқатдир.

Миллатлараро тотувлик ғояси умумбашарий қадрият бўлиб, тур-ли халқлар биргаликда истиқомат

қишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маъ-навий асосига айланмоқда. Бу ғоя — ҳар бир миллат вакилининг ис-теъдоди ва салоҳиятини тўла рўёб-га чиқариш учун шароит яратиш, уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақ-садлар сари сафарбар этмоқда.

Жорий йилда қабул қилинган-нинг 20 йиллиги кенг нишонлан-ган Асосий Қонуимиз — Ўзбе-кистон Республикаси Конституция-сининг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини миллатидан қатиби назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», деб бел-гилаб қўйилган. «Ўзбекистон халқи» тушунчаси мамлакатимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қила-ётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади.

Бош Қомусимизнинг 4-моддаси-да қайд этилганидек, «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқо-мат қилувчи барча миллат ва элат-ларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожлани-ши учун шароит яратади». Ўзбеки-стоннинг бу борада олиб бораётган оқилона сиёсати Ватан равнақи,

яққол далилидир. Хусусан, олий таълим тизимида ўқиш миллий тил-ларда олиб бориладиган махсус факультет ва бўлимлар фаолият кўрсатмоқда. Миллий тилларда боғчалар, мактаблар тизимини ри-вожлантириш, уларни педагог кадр-лар ва зарур дарсликлар билан таъминлаш ишлари изчил амалга оширилаётир.

Мустақилликнинг дастлабки дав-рида, яъни 1992 йилда мамлака-тимизда миллий-маданий марказ-лар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга кўмаклашиш мақсадида Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу марказ томонидан маъ-навият, маданий мерос ва миллий қадриятларни тиклаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оши-рилмоқда.

Республика байналмилал мада-ният маркази билан ҳамкорликда мамлакатимизда турли миллат ва элат вакилларининг тинч-тотув, ахил-иноқ яшаётгани, уларга тенг ҳуқуқ ва имкониятлар берилаётга-нини кенг тарғиб этишга қаратил-ган «Ватан ягонадир — Ватан бит-тадир», «Кудратимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда», «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» мавзуларида 2011 йилда жойларда ўтказилган дўстлик фестивалларида юртимиз-да истиқомат қилаётган барча мил-лат вакиллари фаол иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазир-лар Маҳкамаси томонидан 2011 йил 22 декабрда Республика байналми-лал маданият маркази ташкил этил-ганлигининг 20 йиллигини нишон-лашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақидаги фармойиш қабул қилинди. Бундан қўзланган асосий мақсад мамлакатимизда яшаётган турли миллат вакиллари қалбида ягона Ватан туйғусини янада муста-ҳкамлаш, миллатлараро тотувлик-ни барқарор этиш, ёшларни ватан-парварлик, инсонпарварлик ва мил-лий истиқлол ғояларига садоқат ру-ҳида тарбиялаш, юртимизда яша-ётган турли миллатларнинг урф-одатлари ва маданиятларини ривож-лантиришга кўмаклашишдан иборат.

Юртимизда миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни янада муста-ҳкамлашга қаратилган янги ғоя ва ташаббуслар пайдо бўлаётгани том маънодаги дўстлик кўрғонининг янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари эъти-роф этганидек, «Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз — жамиятимиз-да ҳукм сураётган тинчлик, мил-латлараро дўстлик ва ҳамжиҳат-ликдир».

Ғулом МИРЗАЕВ,  
Республика маънавият  
тарғибот маркази  
раҳбари (ЎЗА)



ХОРИЖ

## ТАБИЙ ОФАТ НАТИЖАСИДА

500 дан ортиқ хусусий фирма банкрот бўлди

Ўтган йилнинг 11 мартида Япония-да юз берган кучли zilзила ва дуня-ни оқибатида мамлакатдаги 500 дан ортиқ хусусий фирма банкротликка юз тулди, дея хабар беради мамлакат-даги «Тэйкоку датабэн» таҳлил мар-кази эълон қилган маърузага асосла-ниб ИТАР-ТАСС.

Марказ экспертлари берган маълумот-га қараганда, банкрот бўлган бундай фир-ма ва компаниялар қарзининг умумий суммаси 727 миллиард иена (9,5 миллиард доллардан ортиқ) дан ошиб кетди. Қурилиш, машинасозлик ва меҳ-монхона тармоғи энг кўп зарар кўрган соҳалардан биридир.

Ушбу табиий офатдан кўрилган зарар 1995 йил январда Кобеда юз берган zil-зила зараридан икки баравар ошиб кетди. Дастлабки маълумотларга кўра, ўтган йилги табиий офатдан Япония кўрган ум-умий зарар 350 миллиард доллардан ортиқ. Шу пайтгача Япония ҳукумати zil-зила оқибатларини бартараф этиш учун уч марта бюджетдан қўшимча маблағ аж-ратди. Бу маблағ 18 триллион иена (180 миллиард доллар)га бориб қолди. Ҳозир бюджетдан тўртинчи бор қўшимча маб-лағ ажратилган тайёргарлик кўрилмоқда.

## ФОЛБИНЛАР ФАОЛИЯТИ РЕКЛАМАСИ

қатъий тақиқланди



Украина Олий Радаси «Реклама тўғрисида»ги қонунга ўзгаришлар кир-ритди. Унга кўра, дейилади «Украин-ская правда» газетасида чоп этилган хабарда, эндиликда мамлакатда фол-бинлар, ромчилар, астрологлар ва халқ таъбаоти билан шуғулланувчи-лар фаолиятини ёки уларга тааллуқли бирор-бир маҳсулотни телевидениеда, радиога, газетга ва журналларда ҳамда бошқа нашрларда, шунингдек, кўча-лардаги реклама лавҳаларида тарғиб қилиш қатъий тақиқланди.

Авалроқ, яъни 2010 йили Украинада фолбинлар, ромчилар, астрологлар ва азайимхонлар фаолиятини умуман тақиқ-лаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси Олий Радага тақдим этилган. Аммо бу қонун лойиҳаси ҳали қабул қилинган эмас.

Ушбу қонун лойиҳасида кимки юқорида айтилган фаолият тури билан шуғуллан-са, маъмурий жазога тортилиши белги-ланган.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

Венеция шаҳридаги тарихий музейда ипак толасидан тўқилган Осиенинг қадимий харитаси сақланади. Унда Мовароуннахр-нинг Самарқанд, Кеш ва Шош каби шаҳарлари қайд этилган. Харита остига ипак ҳам шу заминдан олиб келингани ёзиб қўйил-ган. Чиндан ҳам, ипакчилик тарихи узоқ. Ҳозир ҳам у мамлакатим-из иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Президент-нинг 2006 йил 15 ноябрдаги «Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳа ривожига кенг йўл очди. Тутзорлар кенгайтирилди, уруғчилик оёққа турди, ҳосилдорлик ошиб, соҳада ҳунармандчилик равнақ топди. Айниқса, Фарғона вилоятининг Марғилон, Қўқон шаҳарла-ри, Риштон, Қўштепа ва Бешариқ туманларида кўп амалий иш-лар қилинди.

Албатта, тараққиётга эришиш учун илгор тажриба ва технология-ларни амалиётга татбиқ этиш ло-зим. Шу мақсадда бир гуруҳ фар-ғоналик соҳа вакиллари Вьетнам Социалистик Республикасида бўлишди.

Мақсад — илгор замонавий технологиялар билан танишиш, сармоядорларни жалб этиш, ўзи-миш ишлаб чиқараётган маҳсулот экспортини йўлга қўйишдан ибор-ат, — дейди делегация раҳбари, Марғилондаги «ТЭХУГЕН» корхона-си директори Шавкатжон Тилла-боев. — Биз Ханой ва Халонг ша-ҳарларида бўлиб, ипакчилик, иш-лаб чиқариш, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчи-лик билан танишдик.

— Ўзимизда ҳам ипакчилик бўйи-ча етарли тажриба бор, аммо Вьет-намда ҳар йили ипак қуртидан 7-8 марта ҳосил олинади! Биз шу таж-рибани ўргандик, — дейди Ўзбеки-стон табиий толалар илмий тадқи-қот институтини директори, виллоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатида Гур-уҳи раҳбари Охунжон Охунбоев. — Ханой шаҳридаги ВТР-AMEGA

JOINSTOCK COMPANY директори Ли Дю Бин билан учрашиб, у раҳ-барлик қилаётган компания иши билан танишдик. Вьетнамда ҳар йили 14 граммлик 300 минг дона кассе-тада курт уруғи боқилди ва унинг ҳар биридан 50-60 кг ҳосил олина-ди.

Вьетнамда ипак курти боқиш аг-ротехнологиясининг алоҳида хусу-сияти шундан иборатки, ипак курти уруғи 1-3 ёшда ихтисослаштирил-ган махсус қуртхонада, мутахассис назорати остида 14 кун давомида парвариш қилинади, 4-5 ёшида хо-надонларга 1-2 кассетадан тар-қатилиб, 11 кун давомида боқила-ди. Курт боқиш мавсуми 1 мартдан 15 октябргача давом этади. Шу вақт ичида мамлакатнинг жанубида ҳар йили 7-8 марта, шимолида эса 2-3 марта ҳосил олинади. Бир йилда жами 15000-18000 тонна ҳосил етиштирилиб, ўртача 2000 тонна хом ипак олинади. Бу — салмоқли ракам.

Ханойда Мева-сабзавот илмий тадқиқот институти қошидаги Вьет-нам ипакчилик илмий тадқиқот Мар-кази директори, доктор Нгиен Хи

қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиёти, шу жойдаги тартиқлик ҳамда барқарорликнинг ка-фолати бўлиб хизмат қилади. Буни Ўзбекистоннинг мустақил тараққи-ёт йўли давомида турли соҳалар-да эришаётган юксак марралари мисолида яққол кўриш мумкин. Би-нобарин, Президентимиз таъкид-лаганидек, «халқимиз тинчлик ва фаровонлик, ҳамкорлик ва ҳамжи-ҳатлик ғояларини маслак ва мақ-сад этиб яшамоқда».

Ўзбекистонда 130 дан зиёд мил-лат ва элат вакиллари яшайди. Ана шу кўп сонли миллат ва элат ва-килларининг биргаликда, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб умр кечириши на-тижасида уларнинг ҳар бири маъ-навий ва маданий жиҳатдан бойиб, ўзаро муносабатлар таъсирида кўп миллатли халқимизнинг турмуш тарзи янада юксалимоқда. Бошқача айтганда, миллатлараро тотувлик ғояси жамиятимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб

юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби умуммиллий ғояларни барча юртдошларимиз билан ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб амалга ошириши-мизда муҳим аҳамият касб этмоқ-да. Зеро, неча минг йиллик тари-химиз шундан гувоҳлик берадики, олижаноблик ва инсонпарварлик, миллатлараро тотувликка интилиш халқимизнинг энг юксак фазилат-ларидандир. Истиқлол бизга ана шу эзгу анъаналарни изчил давом эттириш ва авлоддан-авлодга яна-да мукаммал бўлиб ўтишини таъ-минлаш имконини берди.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат ва-килларининг ўз она тилида ўқиши учун кенг имкониятлар яратилган-ни, олий ўқув юрталари, коллеж, ли-цей ва мактабларда барча миллат вакиллари учун тенг шарт-шароит-лар яратилгани, кўп-кўп тилларда газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатув ва радиозаштириш-лар олиб борилаётгани бу бора-даги самарали фаолиятимизнинг

# ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШ

Тараққиётга хизмат қилади. Фарғона вилояти билан Вьетнамнинг тадбиркор ва илмий муассасалари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди

Дам жаноблари ва мутахассис олимлар иштирокида соҳанинг дол-зарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Бу марказ тут кўчатлари ва тут кўчатлари касалликлари бўйича ил-мий тадқиқот ва синовлар олиб бо-ради.

**Институт ҳудудидаги тутзор-ларда кўчатлар 120х30 см. оралиғида экилган бўлиб, бир гектарда 40-50 мингга яқин тут ўстирилган. Улардан бир йилгидан 35-40 тоннага яқин барг олинади. Бу — 50-56 кассета ипак куртини боқишга етарли озуқа дегани. Ҳар йили кўчатлардан қайта-қайта ҳосил олинishi ва 8 мартаба ипак курти боқилиши биз учун ибратли янгилик бўлди.**

— Халонг шаҳридаги ҳамкасблар билан учрашувимиз ғоят самарали ўтди, — дейди «Нурли тонг Силк» хусусий корхонаси раҳбари Мухсин-жон Қосимов. — Ипак курти етиш-тириш агротехнологияси, пиллани қайта ишлаш самарадорлиги бўйи-ча тажриба алмашдик. Вьетнамлик ишлаб чиқарувчилар билан корх-онамиз ўртасида ҳамкорликка доир

шартнома имзоладик.

— Вьетнам пойабзал sanoатининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб, енгил, ёзги ва спорт оёқ ки-йимлари ишлаб чиқаришга ихтисос-лашган. Бу sanoат корхоналари маҳ-сулотининг катта қисмини экспорт қилинади, — дейди «Ўзсаламан» қўша корхонаси раҳбари Умарали Қамбаров. — Шу боис, спорт ва бо-лалар оёқ кийимлари фабрикаси фаолияти билан яқиндан танишдик. Маҳсулот ишлаб чиқариш техноло-гияси, назаримда, бизда анча ус-тун. Лекин тери, сунъий чарм ва бошқа хомашё ҳамда қолиплар тай-ёрлашда ҳамкорлик ва ўзаро таж-риба алмашиш фойдадан холи эмас.

Делегация аъзолари — шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарлари Вьетнам давлат қурилиши, бошқа-руви, иш ўринлари яратиш масала-си, жамоатчилик институтлари, од-дий одамларнинг турмуш тарзи бил-лан қизиқди, албатта.

— Ўтган асрда Вьетнам бошига тушган қулфатлар, иқтисодиётнинг режали бошқарув тузилмаси бозор қонуниятлари жорий этилиши ва ху-сусий мулкчилик ривожига салбий таъсир этаётганини сезиш қийин эмас, — дейди Қўқон шаҳар ҳоки-

мининг ўринбосари Дилшода Мир-зажонова. — Донолар айтгандай, ҳар жойда бор тошу тарози. Улар шу йўлдан борапта. Биз учун му-ҳими — ҳамкорлик.

— Яна бир жиҳат — аҳоли ўртаси-да кескин табақалашув юзага кел-ган. Ижтимоий ҳимоя масаласида ҳам муаммо етарли, — дейди Риш-тон тумани ҳокимининг ўринбосари Нарғизахон Кимёназарова.

**— Аммо Вьетнам халқи меҳнатқаш, сабр-қаноатли эканини таъкидлаш керак. Ҳаво нам, деҳқончилик учун текис кенгликлар жуда оз, асосан тоғ ёнбағирларига экин экилади. Шу боис ердан ками-да 3-4 марта ҳосил олишга ҳаракат қилади, — дейди виллоят Кенгаши доимий ко-миссияси раиси Хурсаной Исмолова. — Ўзбекистондек Оллоҳ назар солган жаннат-макон юртда яшаётганимиз, ҳар йили тўрт фаслдан бахра-ман бўлишимиз ўзи катта бахт! Мен бунга амин бўлдим!**

Шундай қилиб, Вьетнамда тажри-ба алмашув фарғоналиклар учун са-марали ҳамкорликка асос, янги ре-

жаларга бой бўлди.

Ханой ипакчилик илмий тадқиқот Маркази ва Марғилондаги Ўзбеки-стон табиий толалар илмий тадқи-қот институти ўртасида илмий ҳам-корлик ўрнатилди.

— Келгусида пилла қуртидан ҳар йили камида 2-3 марта ҳосил олиш агротехнологиясини биргаликда ҳаётга татбиқ этамиз, — дейди ин-ститут директори. — Шу лойиҳа асо-сида режа туздиқ. Аввало, Қўштепа туманида Вьетнамча усулда тут кўчатлари етиштириш ва тутзор яратиш тажриба майдони ташкил этамиз. Шу асосда виллоятнинг бар-ча туманларида серхосил озуқа — қуйилган қорғичига нафис барг бе-радиган тутзорлар яратишни таъ-сиси этамиз. Айни вақтда, юқори маҳсулдор ипак курти уруғини ви-лоятнинг ўзида яратиш, йилгига 3 марта пилла ҳосили олишга эри-шиш чораларини кўраимиз. Бу каби вазифаларни амалга ошириш учун январь ойида виллоятда пиллачилар ва мутахассислар иштирокида ўқув-семинар ўтказамиз...

Эзгу ният билан бошланган иш яхши самара бериши табиий.

Мухаммадjon ОБИДОВ,  
«Ўзбекистон ОВОЗИ»  
муҳбири.

2012 йил — МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ



ОНАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ

Жиззах шаҳри марказида жойлашган Акушерлик мажмуи 90 ўринга эга. Капитал таъмирланган замонавий бино, кенг, ёруғ ва шиннам хоналар илгор тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Ўтган йили 3996 нафар чақалоқ дунёга келди. — дейди бош шифокор Дилдора Рашидова. — Уларнинг ҳаммаси соғлом туғилди.

Мазкур комплекс ЮНИСЕФнинг «Чақалоқларга дўстона муносабатда бўлган жамоа» халқаро танлови ғолиби деб топилган. Бундай юксак эътироф шифокорларни ўз вазифасига янада жиддий ёндашишга, саломатлик кўрсаткичини мутасил яхшилаб боришга, туғуруқ

ёшидаги аёлларни соғломлаштиришга алоҳида аҳамият беришга ундайти.

Мустаҳкам оила йили муносабати билан Акушерлик мажмуи қошида туғуруқ ёшидаги аёлларни соғломлаштириш маркази очилди. Айни пайтда марказда туғиш ёшидаги аёллар ҳомиладорлик даврида камқонлик, буйрак фаолиятидаги етишмовчиликлар ва юрак-қон томир касалликларидан даволанмоқда, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатишмоқда.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ОҒОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

БИЛИМЛИ, ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ, ВАТАНПАРВАР

ёшларни тарбиялаш ҳар биримизнинг вазифамиз

Тошкент архитектура-қурилиш институти профессори, тарих фанлари номзоди Абдуғани Тожибоев билан суҳбат

— Ёшлар тарбияси кўп омилларга боғлиқ, албатта. Аммо бу борада ўқитувчининг масъулияти ва вазифаси ҳақида тўхталсангиз.

— Дарҳақиқат, глобаллашув жараёнлари кескин тус олган бугунги даврда ёшларни «оммавий маданият» деб аталмиш ахлоқий жиҳатдан номаъқул, миллий қадрият ва қарашларимизга ёт бўлган зарарли иллатлардан ҳимоя қилиш, энг аввало, ўқитувчи-педагогларга катта масъулият юклайди. Ўқувчиларга дунёда кечаётган воқеа-ҳодисаларни тўғри шарҳлаб, тушунтириб бериш, уларни бундай хатарлардан оғоҳ этадиган ўқув қўланма ва адабиётларни тавсия этиш зиммимиздаги асосий вазифалардан ҳисобланади.

Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Ахборот асри деб ном олган XXI асрда замонавий ахборот технологияларидан қабих ниятини амалга оширишда қурол сифатида чегара билмай фойдаланаётган ғаразли кучлар кўпайиб бормоқда. Шунинг учун базан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм, клип ёки реклама ортида ҳам ғаразли мақсадлар ётиши мумкинлигидан оғоҳ бўлишимиз керак.

Кейинги пайтларда «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик, эъравонлик, вайронкорлик гоёларини тарқатувчиларга қарши ҳуқуқ-тартибот идоралари, маънавият-тартибот марказлари кўп ишларни амалга оширмоқда. Бироқ, бу каби тазйиқларга қарши курашишни энг самарали йўли — онгли, мустақил фикрли ёшларни тарбиялаш.

— Ғараз мақсадли кучлар ўз иддаоларини айнан ёшлар онгига сингдиришга ҳаракат қилади. Чунки ўсмир ёшидаги ёки балогатга етмаган ўғил-қизларда мустаҳкам ҳаётий позиция шаклланмаган бўлади. Ёшларни бузғунчи



гоёлардан асраш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш керак?

— Таъкидлаш жоизки, мазкур масаланинг ечим — бу «фиграга қарши фикр, гоёга қарши гоё, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш» кераклиги Президентимиз томонидан кўрсатиб берилган. Ёшларимиз қалбида Ватан тарихидан гурурланиш, юртга фидойилик, ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш, улар онгда бу Ватан — менки, мен — Ўзбекистон фарзандиман, деган муқаддас туйғунинг сингдириб бориш ҳар бир ўқитувчи, тарбиячининг энг муҳим вазифаси, фуқаролик бурчидир.

Бирок, бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Фарзандларимизнинг мана шундай эзгу тушунчалар асосида воёга етишишда оила ва маҳалланинг ўрнини бошқа ҳеч

нарсга билан тенглаштириб бўлмайди. Чунки инсон бутун ҳаёти мобайнида олиши мумкин бўлган ахборотнинг 70 фоизини айнан 5-7 ёшида қабул қилади. Шундай экан, болаларни шу даврлардан бошлаб коммуналка етаклаш, уларни соғлом турмуш тарзига одатлантириш, ақлини чархлаб бориш нафақат уларнинг, балки Ватанимизнинг ёруғ келажагини таъминлашда энг муҳим омил ҳисобланади. Бунда, энг аввало, оилада ота-онанинг маънавияти, дунёқарashi ва хатти-ҳаракати катта аҳамият касб этади.

— Бугунги кунда таълим-тарбия жараёнида Президентимиз асарларидан самарали фойдаланиш ва уларнинг мазмун-моҳиятини ўқувчи-ёшлар онгига сингдириш борасидаги вазифалар-

нинг аҳамияти ҳақида ҳам гапирсангиз.

— Деярли ўн йилдан бери Юртбошимиз асарлари бўйича таълим муассасалари учун дастур ва ўқув-услубий қўланмалар тайёрлашда иштирок этиб келаман. Мана шу масъулиятли жараёнда қатнашиш орқали тўплаган тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, Президентимизнинг ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг маънавий ва ахлоқий қарашлари, интеллектуал салоҳияти ҳақида билдирган фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсиялари биз мураббийлар учун четдан кириб келаётган зарарли иллатларга қарши курашиш, уларни олдини олишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Шундан бўлса керак, уларни ўқувчи-ёшлар орасида кенг тарғиб этиш, бу асарларнинг мазмун-мундарижаси, маъзани замонавий таълимнинг фаол усуллари ёрдамида тушунтириш, ёш авлод онгу шуурига миллий гоё ва миллий мафкурага оид тушунчаларни сингдириш таълим жараёнининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Халқимизнинг эртанги кунги фарзандларимизнинг таълим-тарбиясига боғлиқ. Агар ҳозир юртимиз аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини ёшлар ташкил қилишни эътиборга олсак, биз ўқитувчи-мураббийларнинг зиммасидаги масъулият нақадар катта эканлиги янада ойдинлашади.

Интизор БОҚИЕВА суҳбатлашди.

СПОРТ

ТАЙЁРГАРЛИК ПУХТА БЎЛСА...

Бу йил футбол мухлисларини кўплаб қизиқарли ва ҳаяжонли учрашувлар кутиб турибди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионати, олимпиячиларимиз эса Лондон олимпиадаси саралаш ўйинларида иштирок этади.

Хабарингиз бор, 18-23 январь кунлари Дубай (БАА)да «Dubai Match world Cup 2012» халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон олимпиячи терма жамоаси ҳам иштирок этади. Бу турнир олимпиячиларимизга 5 февраль кунини Тошкентда австралияликларга қарши кечадиган расмий ўйин олдидан ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтайди.

Айни пайтда мамлакатимиз олий лига жамоалари янги мавсумга қизгин ҳозирлик кўрмоқда. «Пахтакор» вакиллари Туркия, «Нефтчи», «Насаф», «Локомотив», «Бунёдкор» ва «Шўртан» жамоалари эса Бирлашган Араб Амирликларида ўқув-машғулот йиғинларини бошлади.

Ҳозир деярли барча футбол клубларида ўзига хос янгиликлар рўй бермоқда. Жумладан, ўтган йили ўзбек футбол тарихида янги саҳифа очиб, ОФК кубогига сазовор бўлган ҳамда илк марта тама мамлакат чемпионати кумуш медали билан тақдирланган Қаршиннинг «Насаф» жамоасини бош мураббий, украиналик Анатолий Демьяненко тарқ этди. Унинг ўрнида маҳаллий ёш мутахассис Рўзикул Бердиев фаолият кўрсатади.

Яқунланган мавсум охирида жамоани Михаил Наумов («Шўртан»), Артём Филиппов, Лутфулла Тўраев («Бунёдкор»), Ахрор Рискўлаев («Динамо») бошқа клубларга ўтган бўлса,

Файрат Ҳасанов («Андижон») ҳамда Суҳроб Нейматов («Бухоро») ўз омадларини қаршилиқлар таркибида синаб кўришга қарор қилишди.

Ўтган йили асосан маҳаллий ёшларга эътибор қаратганига қарамай, Ўзбекистон кубогига соҳиби бўлган «Пахтакор» жамоаси янги мавсумга жиддий ҳозирлик кўрмоқда. Бундан буён, пахтакорларини черногогориялик Деян Журжевич бошқарадиган бўлди. Таркибга эса Азамат Бобононов, Бахриддин Ваҳобов («Қизилқум»), Отабек Валижонов («Навбахор»), Шаҳбоз Эркинов («Шўртан») каби ўйинчилар келиб қўшилган.

Ўтган йили мавсум омадсизлари қаторидан жой олган Зарафшоннинг «Қизилқум» жамоасида ҳам бош мураббий алмашди. Зарафшонликларга янги мавсумда таниқли мутахассис Равшан Ҳайдаров бошчилик қилади.

Мухлислар янги мавсумда Ҳузориинг «Шўртан» жамоасига катта умид билан қарашмоқда. Жамоага белоруссиялик Игорь Криушенко бош мураббий этиб тайинланган бўлса, футбол клуби раҳбарияти таркибини нафақат маҳаллий, балки хорижийлик футболчилар билан тўлдирмоқда ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Бундан ташқари, «Андижон» ва «Локомотив» жамоалари ҳам келгуси мавсумни юқори савияда ўтказишга тараддуд қури-



Эркин ХОЛБОВО

РИШОДНИНГ НАВБАТДАГИ СОВРИНИ

Алмати (Қозоғистон)да дзюдо бўйича «World Masters» туркумига кирувчи ийрик халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда қирқдан зиёд давлатдан энг кучли дзюдочилар ғолиблик учун кураш олиб борди.

Лондон олимпиадаси йўлланмалари учун рейтинг очколари берувчи мазкур мусобақада икки қарра жаҳон чемпиони, Пекин олимпиадаси совриндори Ришод Собиров (80 кг) ўз вазн тоифасида финалгача барча рақибларини мағлубиятга урнатди. Фақат ҳал қилувчи беллашувда дзюдочимиз россиялик Арсен Галстянга ютқазиб қўйди ва кумуш медаль билан кифояланди.

Яна бир спортчимиз Наврўз Жўрақобиллов (73 кг) эса кучли бешликдан жой олди.

БРИСБЕН — СИДНЕЙ — МЕЛЬБУРН

Мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин бу йилги мавсумни муваффақиятли бошлади.

Дастлаб Денис Брисбенда ташкил этилган мусобақанинг икки босқичидан ўтди. Кейин Сиднейда мукофот жамғармаси 372500 АҚШ доллари бўлган мусобақанинг ярим финалида ўйнади. У ярим финалгача испаниялик Андухарни, америкалик Светингни, франциялик Гаскени мағлуб этди. Финалга бериладиган йўлланма учун баҳода финляндиялик Нимменга ютқазиб қўйди — 6/7, 3/6.

Энди Истомин теннисчиларнинг энг нуфузли мусобақаларидан бири ҳисобланган Австралия очиқ чемпионатида қатнашади. У дастлабки ўйинда франциялик таниқли теннисчи Жо-Вильфрид Тсонгага қарши қорғта қақди.

«Юлентеринвест» корхонаси раҳбари Юлдошев БАХТИЁРЖОНнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдирамиз.

Бир гуруҳ дўстлари.

ОБ-ҲАВО 17-18 — 01.2012

Table with weather forecasts for various cities including London, Paris, Moscow, Madrid, Beijing, Hong Kong, Rome, Ankara, Tokyo, Stockholm, Keiptaun, Qohira, Havana, and Washington.

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV. Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affer HOTAMOV, (Bosh muharrir o'rinbosari), Muxlihdin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad SAIDAHMAD, RAHIMOV

BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Kofibiyat. MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz. T - Tijorat materiallari

Navbatchi: Dilshod NARZULLAYEV. Sahifa lovcchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV. ISSN 2010-7633